

**МУСТАҲКАМ ОИЛА ВА ЮКСАК РАҚАМЛАШТИРИШ: ФХДЁ
ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ
ҲАМКОРЛИК ЎРНИ**

Юсуфбекова Нилуфар Кабуловна

(Тошкент шаҳар Олмазор тумани ФХДЁ бўлими мудираси)

Инсон ҳаётининг энг муҳим ва эзгу воқеалари — туғилиш, никоҳ, фарзанд кўриш, ажралиш, исм ёки фамилияни ўзгартириш ва вафот ҳолатлари давлат томонидан расман қайд этилади. Бу масъулиятли вазифани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари амалга оширади. ФХДЁ ёзувлари шунчаки қоғозлар ёки маъмурий жадваллар эмас: улар ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий мақоми, оилавий муносабатлари, мерос, фуқаролик ҳамда ижтимоий ҳимоя ҳуқуқларининг мустаҳкам пойдеворидир. Шу боис ушбу соҳада кечаётган кенг қўламли ислоҳотлар бевосита ҳар бир оила ва фуқаронинг манфаатига дахлдордир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кечаётган туб ислоҳотлар доирасида ФХДЁ соҳаси батамом янгича қиёфа касб этмоқда. Узоқ йиллар давомида фуқароларга ноқулайлик туғдирган қоғозбозлик ва узун навбатлардан воз кечилиб, соҳа рақамли, шаффоф ва инсонга йўналтирилган замонавий тизимга айланмоқда.

Тизимдаги энг салмоқли ўзгариш — ФХДЁ фаолиятининг тўлиқ рақамли асосга ўтказилганлигидир. Ягона электрон ахборот тизими доирасида туғилиш, никоҳ, ажралиш ва вафот тўғрисидаги ёзувлар электрон шаклда юритилиши йўлга қўйилди. Шунча йиллар давомида архивларда сақланиб келинган минглаб қоғоз ҳужжатлар рақамлаштирилди. Бу эса ҳужжатларнинг шикастланиши ёки йўқолиши хавфини бартараф этиб, зарур маълумотни санокли дақиқаларда топиш имкониятини берди.

Шу билан бирга, идоралараро электрон интеграция «инсон ҳужжат учун эмас, ҳужжат инсон учун» деган эзгу тамойилнинг реал ифодасига айланди. Илгари фуқаро биргина маълумотнома учун бир нечта идора эшигида саргардон бўлган бўлса, бугун хизматлар Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали «бир дарча» тамойилида амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасалари билан чатлашган тизим орқали бола туғилиши тезкор қайд этилиб, гувоҳномалар ота-онага қисқа муддатда топширилмоқда, никоҳ аризалари эса электрон шаклда юборилмоқда. Бу фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаш билан бирга, соҳада коррупциявий омилларни бартараф этмоқда.

ФХДЁ органлари нафақат фуқаролик ҳолатларини қайд этади, балки жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила мустаҳкамлигини таъминлашда бевосита иштирок этади. Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш талаби бўлажак оила ва фарзандлар саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилаётган бўлса, никоҳ ёшининг қизлар ва йигитлар учун тенг (18 ёш) этиб белгиланиши эрта никоҳларнинг олдини олмоқда. Ажралиш ҳолатларида эса тарафларга муросага келиш учун муддат берилиши оилаларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Бироқ оиланинг мустаҳкамлиги нафақат уни ҳуқуқий рўйхатга олиш, балки унинг кейинги ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги ва фаровонлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу нуқтада касаба уюшмаларининг ўрни ва роли беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг ўрни

Бугунги кунда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, ёшлар ва ёш оилаларга манзилли кўмак беришда давлат органлари ҳамда ФХДЁ тизими билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Оила қурган ёшларнинг ижтимоий мослашуви ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишида касаба уюшмалари томонидан бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- Жамоа шартномалари орқали моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш: Корхона ва ташкилотлардаги жамоа шартномаларига мувофиқ, янги оила қураётган ёш ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, қўшимча таътил кунлари ажратиш ва сиҳаттоҳ-соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар бериш амалиёти кенг жорий этилган.

- Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш: Касаба уюшмалари томонидан иқтидорли ва эҳтиёжманд ёш мутахассисларга уй-жой хариди учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш жараёнида фаол жамоатчилик назорати ҳамда тавсияномалар тизими йўлга қўйилган.

- Ёшлар бандлиги ва меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси: Ёш мутахассисларнинг илк иш ўринларида кафолатли меҳнат қилишлари, уларни ноҳақ бўшатиш ёки ҳуқуқларини камситишга йўл қўймаслик касаба уюшмаларининг доимий эътиборидадир.

- Соғлом оила ва фарзандлар тарбияси: Ёш оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аёллар учун қисқартирилган иш вақти режимларини қўллаш ҳамда болалар оромгоҳларига йўлланмаларни арзонлаштирилган нархларда ажратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

ФХДЁ бўлимларида никоҳдан ўтган ёш жуфтликлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш ва меҳнат ҳуқуқларини тушунтиришда касаба уюшмалари билан ўзаро интеграциялашган ёндашув жуда ижобий қутилган натижаларни бермоқда.

Соҳадаги бу каби ислохотлар ва ҳамкорлик механизми 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз руҳига тўла ҳамоҳангдир. Бош қомусимизда инсон қадри, оила, оналик ва болалик давлат ҳамда жамият томонидан муҳофаза қилиниши олий тамойил сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

ФХДЁ соҳасидаги замонавий рақамли ислохотлар ва касаба уюшмаларининг ёш оилаларга кўрсатаётган манзилли ижтимоий ёрдами ягона мақсадга — «Инсон қадри учун» деган эзгу ғояни ҳар бир хонадон, ҳар бир оила аъзоси ҳаётида амалда рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Рақамли давлат хизматлари ва кучли ижтимоий ҳимоянинг уйғунлиги адолатли, барқарор ва фаровон жамият барпо этишнинг мустаҳкам кафолати бўлиб қолаверади.